

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАСАНЖАНОВА ФАРИДА ОДЫЛОВНА

**ЁШ ЭРКАКЛАРДА НОСТАБИЛ СТЕНОКАРДИЯ ВАРИАНТЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хасанжанова Фарида Одыловна Ёш эркакларда ностабил стенокардия вариантлари ривожланишининг клиник генетик жиҳатлари	3
Хасанжанова Фарида Одыловна Клинико-генетические аспекты развития нестабильных вариантов стенокардии у мужчин в молодом возрасте.....	23
Khasanjanova Farida Odylovna Clinical-genetic aspects of the development of unstable angina pectoris in men at a young age	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАСАНЖАНОВА ФАРИДА ОДЫЛОВНА

**ЁШ ЭРКАКЛАРДА НОСТАБИЛ СТЕНОКАРДИЯ ВАРИАНТЛАРИ
РИВОЖЛАНИШНИНГ КЛИНИК-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида B2020.4PhD/Tib1511 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институти, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.cardiocenter.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташкенбаева Элеонора Негматовна**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Мухаммедова Муяссар Гафурджановна**
тиббиёт фанлари доктори

Кенжаев Мажид Латипович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс: (+99871) 234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс: (+99871) 234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Курбанов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г.У. Муллабаева
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Шек
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда юрак-қон томир тизими касалликлари жаҳон тиббиётининг долзарб муаммоси бўлиб, улар дунёнинг аксарият мамлакатларида аҳолининг эрта ўлими ва ногиронлиги бўйича етакчи ўринни эгаллашда давом этиб келмоқда¹. 2030 йилга келиб, юрак-қон томир тизими касалликларидан ўлим даражаси тахминан 23,6 миллион кишини ташкил қилиши мумкин, лекин хавф омиллар ва олиб борилаётган даволаш ва профилактика чора-тадбирлар таъсири остида индивидуал оқибат яхши ёки ёмон томонга ўзгариши мумкин². Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳам, бошқа мамлакатлар каби юрак-қон томир тизими касалликлари ривожланиши бўйича юқори хавфга эга мамлакатлар қаторига киради. 2018 йилда Ўзбекистонда 59,6% ўлим сабаби қон айланиш тизими касалликлари билан боғлиқ бўлиб, шундан 32,5% ҳолатларда ўлим юрак ишемик касаллиги (ЮИК) туфайли юзага келган³.

Эркакларда ностабил стенокардия (НС) кузатилишининг ёшариб боришида турли хавф омиллари (ХО) (чекиш, нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатланиш, иш шароитининг шиддатли ва зарарли таъсирлари, тушқинлик ҳолати) муҳим роль ўйнаб, бу ўз навбатида семизлик, дислипидемия, қандли диабет (ҚД) ва эрта артериал гипертензия (АГ) ривожланишига сабаб бўлади. Бир қатор илмий текширувлар натижаларига кўра, ЮИК ривожланишида муҳим ўрин эгаллайдиган ХО дан бири липидлар алмашинувининг бузилиши ҳисобланиб, ёш эркакларда ЮИК ривожланишида липидлар алмашинуви орасида аҳамиятли жиҳати гипертриглицеридемия, паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП) миқдорининг ошиши ва юқори зичликдаги липопротеидлар миқдорининг (ЮЗЛП) пасайиши туради.

Атеросклероз жараёнида қон томирлар деворида яллиғланиш жараёнининг ривожланиши ва атеросклеротик жараённинг дестабилизацияси маркери цитокинлар ҳисобланиб, булар юрак қон-томир касалликлари анча эрта ва тез-тез ривожланиши ҳамда у билан боғлиқ турли асоратлар ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Цитокинлар орасидаги мувозанатнинг бузилиши яллиғланиш интерлейкинлари (интерлейкин-1 β (IL-1 β), IL-6, ўсма некрози омили- α (ЎНО- α)) миқдорининг ошиши ва яллиғланишга қарши интерлейкинлар (IL-4, IL-8 и IL-10) миқдорининг пасайиши билан намоён бўлади.

НС нинг эрта ривожланишида муҳим ўзгартириб бўлмайдиган омиллардан бири наслий мойиллик ҳисобланади. Ўзгартириб бўлмайдиган

¹ Catapano A.L., Graham I., De Backer G., Wiklund O., Chapman M.J., Drexel H., et al. 2016 ESC/EAS Guidelines for the Management of Dyslipidaemias: The Task Force for the Management of Dyslipidaemias of the European Society of Cardiology (ESC) and European Atherosclerosis Society (EAS) Developed with the special contribution of the European Association for Cardiovascular Prevention & Rehabilitation (EACPR). Eur Heart J. 2016.

² Андреев Е.Ю., Явелов И.С., Лукьянов М.М., Вернохаева А.Н., Драпкина О.М., Бойцов С.А.

Ишемическая болезнь сердца у лиц молодого возраста: распространенность и сердечно-сосудистые факторы риска. Кардиология. 2018;58(10). Стр. 53-59.

³ Аналитические материалы Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. — 2018.

генетик ХО маълум гуруҳ беморларида НС ривожланишида аниқланиб, улар кўшимча ташқи муҳитнинг ёмон сифатли ХО таъсири остида бўладилар. Шунинг учун ёш эркакларда касаллик ривожланишида таъсир қиладиган ўзгартириб бўладиган омилларга фаол таъсир кўрсатиш генетик омиллар ножўя таъсирининг амалга ошишига тўсқинлик қилиши мумкин. Ўзгартириб бўладиган ва ўгартириб бўлмайдиган, хусусан молекуляр-генетик омилларнинг ёш эркакларда юрак қон-томир касалликлари дестабилизацияси ва авж олиб боришида ўзаро таъсирини ўрганиш НС ривожланишига наслий мойил инсонларда ЮИК ривожланиши олдини олиш имконини беради. Ёш эркакларда НС ривожланишида дислипидемия, цитокинлар балансининг бузилиши ва турли генетик детерминанталар (IL-1 β C/T 3953 и IL-10 G/A) каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш шу соҳа вакиллари олдидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда жаҳон соғлиқни сақлаш стандартларига мос тиббиёт тизимини яхшилашга бағишланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йиллардаги бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида "тиббий ёрдам, ижтимоий ва тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳоли касалланишини камайтириш ва умрининг ортишини таъминлаш" каби устувор вазифаларни белгилайди.

Мазкур диссертация тадқиқоти «бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги“ Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли Президент Фармони, “ юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ- 4063-сонли қарори ва "тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ - 4991-сонли қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган вазифаларни муайян даражада бажаришга хизмат қилади, холос.

Бу маълумотлар НС шаклланиши ва авж олиб боришида унинг турли патогенетик аъзолари ўртасида боғлиқликни очишга, ҳамда индивидуал даволашнинг янги ёндашувларига қаратилган долзарб текширув бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг VI -«Тиббиёт ва фармакология» -йўналишлари мувофиқлиги асосида амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЮИК тиббиёт ва ижтимоий муаммоларнинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, бутун дунё миқёсида кенг масшабли перспектив ва когорт тадқиқотлар ёш инсонларда ЮИК ривожланишини ўрганишга бағишланган.

Турли геном ассоциациялари илмий ишлар натижаларини бирлаштирган The CARDIoGRAMplusC4D Consortium мета аналида ЮИК билан ассоциацияланган 46 та ген локусида 104 та бир нуклеотидли полиморфизмлар (SNP) аниқланган [Deloukas P. et al. 2018]. «The 1000 Genomes Project» мета анализида 6,7 млн. кўп учрайдиган ва 2,7 млн. кам учрайдиган SNP ларни текширганда, 109 та ген локусидаги 202 та SNP лар ЮИК билан боғлиқлиги маълум бўлди.

Цитокин генлари юқори даражадаги полиморфизмга эга бўлиб, битта генда полиморфизмлар миқдори бир нечта ўнталikka етиши мумкин ва улар шу генларнинг промотор қисмида жойлашиб индивидларда цитокин ишлаб чиқариши бўйича кўп қиррали хужайра реакцияси шаклланишида ўз таъсирини кўрсатади. С. Heeschen ва ҳаммуаллифлар илмий изланишлари натижасида ЮИК билан касал бўлганларда соғлом одамларга нисбатан IL-10 миқдори камлиги аниқланган. Schippers E.F. клиник изланишларида ген IL-10 нинг айрим вариантлари ва IL-10 цитокини ўртасида боғлиқликни аниқлаган. Zhang X. ва ҳаммуаллифлар IL-10 генининг G/A 1082 позициясини текширганда, аллель A IL-10 ни кам ишлаб чиқиши билан, аллель G IL-10 ни юқори даражада ишлаб чиқиши билан боғлиқлигини аниқлаганлар.

Сўнги йилларда республикада ЮИК ни барқарорлаштириш патологиясида генетик муаммоларига бағишланган илмий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда сўнги йигирма йил ичида республиканинг етакчи мутахассислари, масалан Р.Д. Қурбонов 2020 й, А.Л. Аляви 2020 й ва А.Б. Шек 2017 й каби мутахассисларнинг ишлари мавжуд. Ушбу ишлар юрак-қон томир касалликлари ривожланиши ва оқибатида ген-номзодларнинг аҳамиятини ўрганишга бағишланган. Аммо адабиётлар шарҳида ёш эркакларда НС ривожланишининг липидлар алмашинувининг бузилиши, цитокинлар дисбаланси хамда цитокин генлари полиморфизми каби этиопатогенетик ХО билан боғлиқлигини биз аниқламадик. Шу муносабат билан ёш эркакларда НС эрта диагностикаси ва индивидуал даволаш усулини аниқлаш хамда ёмон сифатли кечиш оқибатини, шунингдек липидлар алмашинуви профили, цитокинлар дисбалансини IL-1β C/T 3953 (rs1143634) ген ва IL-10 G/A 1082 (rs1800896) гени полиморфизми билан боғлиқ холда оптималлаштириш илмий ва клиник қизиқишни намоён қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилич тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиали илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170927280 “Стенокардиянинг ностабил вариантлари оқибатини аниқлашнинг молекуляр-генетик ва уларни даволашда махсус индивидуал ёндашиш усуллари ишлаб чиқиш” (2018-2020) амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ёш эркакларда ностабил стенокардия вариантлари ривожланишида генетик полиморфизм ролини аниқлаш, цитокин статусини ҳисобга олган холда эрта диагностик мезонини ишлаб чиқиш ва даволашнинг индивидуал ёндашувини оптималлаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

эркакларда ёшга нисбатан ностабил стенокардия клиник кечишида анъанавий хавф омилларининг таъсирини ўрганиш.

ёш эркакларда ностабил стенокардия ривожланиши оқибатини аниқлашда липидлар спектри ҳолати ва иммун статусни текшириладиган гуруҳларда диагностик ахамиятини баҳолаш.

асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда IL-1 β C/T 3953 ва IL-10 A/G 1082 генлари аллеллари ташувчанлиги учрашини аниқлаш ва ёш эркакларда ностабил стенокардия ривожланишини ўрганиш.

IL-1 β C/T 3953 (rs1143634) ва IL-10 A/G 1082(rs1800896) генлари полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда ёш эркакларда ностабил стенокардиянинг даволаш эффе́ктивлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида ностабил стенокардия билан кузатувда бўлган 230 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб беморларнинг веноз қони ва қон зардоби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, иммунологик, молекуляр-генетик, инструментал, статистик каби таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқот илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

яллиғланиш интерлейкини (IL-1 β) даражасининг ошиши ва яллиғланишга қарши интерлейкин (IL-10) нинг даражасининг пасайиши ўртасида, шунингдек, умумий холестерин, паст зичликдаги липопротеид (ПЗЛП) ва триглицерид (ТГ) кўрсаткичларининг прогрессив ўсиши ўртасида кучсиз боғлиқлик аниқланди.

стенокардиянинг қўзиш даври липидлар профилининг ўзгариши, яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг ўзгариши билан намоён бўлди, уларнинг ривожланганлик даражаси ушбу кўрсаткичларнинг бузилиш даражаси билан боғлиқлик аниқланди, яъни НС бўлган беморларда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар ҳамда умумий холестерин миқдори ўртасида ўртача корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлди ($R^2=0,35$ и $R^2=0,35$). Корреляцион боғлиқлик яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-1 β ва IL-10) ўртасида сезиларли даражада намоён бўлди ($R=0,65$).

илк мартаба ёш эркаклада НС нинг эрта ёмон сифатли оқибат билан кечиши предиктори бўлиб IL-1 β 3953 C/T гени полиморфизмининг гомозиготали T/T геноти́пи и гетерозиготали C/T геноти́пи ҳамда IL-10 1082 G/A генининг гомозиготали G/G геноти́пи ва гетерозиготного G/A геноти́пи эканлиги аниқланди.

илк марта ёш эркаклада НС нинг индивидуал давосида IL-1 β 3953 C/T ва IL-10 1082 G/A генларининг этиопатогенетик роли аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

атероген липопротеинлар ва цитокинлар кўрсаткичлари ўртасидаги аниқланган муносабатлар ёш эркакларда НС коррекциясини эрта аниқлаш ва

ўз вақтида бартараф этиш имконини беради;

биринчи марта НС билан оғриган ёш беморларни генетик тест натижаларига қараб даволашга индивидуаллаштирилган ёндашув таклиф этилади;

левокарнитин+L-аргинин гидрохлоридни НС билан оғриган ёш беморларда асосий терапияга қўшимча сифатида қўллаш IL-1β 3953 C/T генининг гомозиготали C/C генотиби ва гетерозиготали C/T генотипларида ва IL-10 1082 G/A генининг гомозиготали A/A ва гетерозиготали G/A генотипларида атероген липопротеинларнинг камайишига сабаб бўлади;

левокарнитин+L-аргинин гидрохлоридни НС билан оғриган ёш беморларда қўллаш натижасида IL-1β 3953 C/T генининг гомозиготали C/C генотиби ва гетерозиготали C/T генотипларида ва IL-10 1082 G/A генининг гомозиготали A/A ва гетерозиготали G/A генотипларида яллиғланиш интерлейкини IL-1β нинг камайиши ва яллиғланишга қарши интерлейкин IL-10 миқдорининг ошганлиги аниқланди.

Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги илмий ишда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилиги таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек аҳолисига мансуб IL-1β 3953 C/T генининг T аллели ва IL-10 1082 G/A генининг G аллелини ташувчи ёш эркакларда ПЗЛП, ТГ, яллиғланиш цитокини IL-1β миқдори ошганлиги аниқланиб, бу ўз навбатида ЮИК нинг авж олиб боришига ва юрак қон-томир тизими касалликларидан ўлимнинг ўсишига олиб келиши мумкин

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ностабил стенокардияни эрта аниқлаш учун "Ёш эркакларда ностабил стенокардия вариантлари ривожланишининг эрта ташхисот мезонларини ишлаб чиқиш дастури" номли электрон-ҳисоблаш машинасини ишлатиш таклиф этилган. Қийин вазиятларда ўзбек популяцияси ёш эркакларида IL-1β C/T 3953 ва IL-10 G/A 1082 генларнинг полиморфизмини ўрганиш таклиф этилади, бунинг натижасида хавф гуруҳини аниқлаш ва бу гуруҳ беморларини даволашда индивидуаллаштирилган ёндашувни тавсия этиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган натижалар асосида ўзбек популяциясида генетик, клиник ва биокимёвий хусусиятларни аниқлаш асосида:

"Ёш эркакларда юрак ишемик касаллиги комплекс тузатиш усулларини ишлаб чиқиш"(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 - йил 16 - июлдаги №8 н-м/646-сонли маълумотномаси); "Цитокин номуносивлиги қараб ёш

эркакларда ностабил стенокардия вариантларини даволашни оптималлаштириш" (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2021- йил 16- июлдаги №8 н-м/645-сонли маълумотномаси) номли методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Ушбу тавсиялар ХО таъсирини, бу ХО нинг дислипидемия ва цитокинлар дисбаланси билан (қимматли генетик методлар йўқлиги сабабли) боғлиқ холда ностабил стенокардия ривожланишини олдини олишда ёрдам беради. Ишлаб чиқилган даволашни такомиллаштириш усулларининг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётида, жумладан, Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Ургут ва Пайариқ туманлари тиббиёт бирлашмаларида тадбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021-йил 26-июлдаги 8-н-з/220 сонли маълумотномаси).

Тадқиқотлар натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2- халқаро ва 3-Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан иккита услубий тавсиялар, 1 та ЭХМ дастур ва 8 журнал мақолалари, шулардан 5 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Ёшларда ЮИК нинг этиопатогенези ва эпидемиологиясида замонавий қарашлар"** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича амалга оширилган халқаро илмий-тадқиқотларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Ушбу боб 5 та кичик боблардан ташкил топиб, бунда НС ни ривожланишининг замонавий концепциялари ҳақида маълумот берилган, НС нинг турли этиопатогенетик омиллари, шунингдек, замонавий даволаш жиҳатлари келтирилган.

Диссертациянинг **"Ностабил стенокардия бўлган беморларнинг клиник ва биокимёвий тавсифномаси ва қўлланилган усуллар методологияси"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва

усуллари тавсифланган, тадқиқотга жалб этилган ЮИК бўлган беморлар характеристикаси, фойдаланилган усуллар, шунингдек, олинган натижаларни баҳолашга ёрдам берувчи статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотда 230 нафар НС билан беморлар киритилди. Ушбу беморларда клиник, функционал, биокимёвий, иммун ва генетик тадқиқотлар ўтказилди. Респондент ёшларнинг ўртача ёши = $38,8 \pm 5,29$ ёш ва ёши катталарнинг ўртача ёши $65,9 \pm 4,22$ ёшни ташкил этди.

Кузатиш вақти 4 хафтани ташкил этди. Дастлабки босқичда барча клиник-функционал, лаборатория, генетик ва иммуннологик маълумотлари НС ёш ва ёши катта беморлар ўртасидаги таққослама жиҳатлари, шунингдек НС нинг айрим шаклларида баҳоланди. НС бўлган ёш ва ёши катта эркакларда жисмоний фаоллик даражасини аниқлашда ОДА23+ сўровномасидан фойдаланилди.

НС ривожланишида иммунитет ҳолатининг аҳамияти ўрганиш учун яллиғланишга хос IL-1 β цитокини, ҳамда қон зардобида яллиғланишга қарши цитокин IL-10 ни қаттиқ фазали иммунофермент усули (ELISA) билан ўрганилди.

Генетик тадқиқот усуллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институти лабораториясида ўтказилди. 175 та яхлит қон зардобида 3953 Т/С IL-1 β гени ҳамда 1082 G/A IL-10 гени полиморфизмини аниқлаш "Литех" НПФ томонидан ишлаб чиқарилган "SNP-экспресс" ПЦР ёрдамида инсон геномидаги полиморфизмларни аниқлаш учун диагностика тўпламлари ёрдамида амалга оширилди. Яллиғланиш цитокинлар генларининг полиморфизмларини ўрганиш учун биз «1 β интерлейкин мутацияси» тўпламларини қўлладик (ген – IL-1 β , полиморфизм -3953 С/Т). Яллиғланишга қарши цитокинлар генларининг (ген- IL-10, полиморфизми-G1082A) полиморфизмини аниқлаш учун «Мутация-3 интерлейкин 10» нинг тўпламлари (IL-10-гени, G-1082A полиморфизми) ишлатилган.

Тадқиқотнинг бевосита натижалари клиник муваффақиятни баҳолаш орқали таҳлил қилинди. Касалликнинг оғирлик даражаси ва натижаси моделларини энг кичик квадратлар усули билан яратишда уларнинг самарадорлиги ҳолати t-мезони бўйича камида $p < 0,05$ параметрларига ўрнатилди. Маълумотларни сақлаш ва дастлабки ишлов бериш R studio 3.5.2 дастури ёрдамида Microsoft Excel 2019 маълумотлар базасида амалга оширилди.


Маълумотлар куйидаги шаклда ифодаланган: ўртача (M) \pm стандарт оғиш (m). Таксимот турига қараб узлуксиз катталиклар ўртасидаги фарқнинг статистик аҳамиятини аниқлаш учун t Стъудент (меъёрий тақсимланиш) ва Колмогоров-Смирнов мезонлари, (номеъёрий тақсимланиш) U-мезон Манн-Уитни мезонларидан фойдаланилди. Фарқларнинг статистик ишончилиги учун $p < 0,05$ қабул қилинди.

Диссертациянинг "Хусусий текшириш натижалари" деб номланган учинчи боби бешта кичик боблардан иборат. Ушбу бобнинг "Ностабил стенокардияси бўлган беморларда хавф омиллари учраш частотасини

баҳолаш" деб номланган биринчи кичик бобда НС ривожланишининг асосий предикторларини ўрганиш натижалари батафсил баён этилган. Тадқиқотнинг дастлабки босқичида НС ва коморбид шароитларининг клиник вариантларининг юзага келиш частотаси таҳлил қилинди. НС си бор бўлган ёш беморларда орасида кўпинча кекса беморларда бўлгани каби хавф омиллари топилади. Ёш беморлар орасида, энг кенг тарқалган хавф омиллардан қуйидагилар аниқланди: чекиш, наслий мойиллик, стресс, алкоголь ва энергетик ичимликларни истеъмол қилиш, нотўғри овқатланиш ҳисобланди. Ёши катта беморлар орасида энг кўп артериал гипертензия, гиподинамия, қандли диабет ва ортиқча тана вазнининг бўлиши учради. Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, НС билан ёш беморлар кекса беморларга нисбатан сезиларли даражада юқори жисмоний фаолиятга эга эди ва бу 37,3% ва 19,2% ни ташкил этди. Ҳар икки гуруҳдаги наслий мойиллик она томонидан қайд этилган ва мос равишда 23,0% ва 25% ҳолларда учраган.


Ушбу бобнинг **"Инструментал ва лаборатор текширувлар натижаларини таққослаш"** деб номланган иккинчи бобда НС бўлган беморларда оғриқ синдроми интенсивлигини ўрганилда авж олиб боровчи стенокардияси бор беморлар кўпчиликини ташкил этиб, уларда оғриқ синдроми 4 баллдан 6 баллни ташкил қилиб 40,5% ва 55,8% ни ташкил этди.

Сутка мобайнида оғриқлар учраш частотасига кўра 1-гуруҳ беморларнинг 85 (67,5%) нафарида, 2-гуруҳ беморларнинг 82 (78,8%) нафарида суткасида 6-8 марта оғриқ хужураи аниқланди (1-расм).



1-расм. Ангиноз оғриқларнинг сутка давомида учраш частотасига кўра беморларни тақсимлаш.

ЭКГ да ишемик ўзгаришлар жойлашишига кўра қуйидаги маълумотлар аниқланди: НС си бор беморларда кўпинча орқа девор ишемияси аниқланиб, 1-гуруҳда 28 (22%) нафар беморда, 2-гуруҳда 19 (18,3%) нафар беморда аниқланди ($p=0,45$). Иккитадан кўп девор ишемияси 1-гуруҳда 52 (41,3%) нафар беморда, 2-гуруҳда 42 (40,4%) нафар беморда аниқланди, ($p=0,79$) (2-расм).



2-расм. Чап қоринча ишемик ўзгаришига қараб беморларнинг тақсимланиши

ЭхоКГ натижаларига кўра 1-гурӯҳда чап қоринчанинг отиш фракцияси $54,6\% \pm 7,2$ ни, 2-гурӯҳда $51\% \pm 9,3$ ни, ($p < 0,01^*$), назорат гурӯҳида эса $56\% \pm 8,5$ ($p = 0,48$) ташкил этди. Иккитадан ортиқ гипокинез зонаси 1-гурӯҳда 55 (44,4%) нафар беморда, 2-гурӯҳда 44 (42,3%) нафар беморда аниқланди ($p = 0,83$). Акинез зонаси 1-гурӯҳда 32 (25,4%) нафар, 2-гурӯҳда 42 (40,4%) нафар беморда аниқланди ($p = 0,01^*$), (1-жадвал).


1-жадвал

ЭхоКГ кўрсаткичлари	1-гурӯх (n=126)	2-гурӯх (n=104)	Назорат гурӯҳи (n=110)	Манн-Whitney-Wilcoxon тести p-аҳамияти
ОФ (%)	$55,0 \pm 7,0$	$51 \pm 9,3$	$56 \pm 8,5$	1vs2: $p < 0,01^*$ 1vs3: $p = 0,48$
ОДХ (мл)	$138,7 \pm 37,6$	$150,5 \pm 48,03$	$115 \pm 19,3$	1vs2: $p = 0,09$ 1vs3: $p < 0,05^*$
ОСХ (мл)	$77,47 \pm 24,4$	$85,1 \pm 35,6$	$53 \pm 12,2$	1vs2: $p = 0,11$ 1vs3: $p < 0,001^*$
ЧҚОД (см)	$1,22 \pm 0,33$	$1,23 \pm 0,34$	$0,8 \pm 0,17$	1vs2: $p = 0,59$ 1vs3: $p < 0,001^*$
ҚАТ (см)	$1,18 \pm 0,27$	$1,22 \pm 0,18$	$0,8 \pm 0,13$	1vs2: $p = 0,03^*$ 1vs3: $p < 0,001^*$
1 та гипокинез зонаси	51(40,5%)	44(42,3%)	0 (%)	1vs2: $p = 0,78$ 1vs3: NA
2 ундан кўп гипокинез зонаси	56(44,4%)	44(42,3%)	0 (0%)	1vs2: $p = 0,83$ 1vs3: $p = NA$
Акинез зонаси	32(25,4%)	42 (40,4%)	0 (0%)	1vs2: $p = 0,01^*$ 1vs3: $p = NA$

*-статистик аҳамиятли натижа


Ушбу бобнинг "Ёш эркаларда ностабил стенокардиянинг клиник намён бўлишида қонда липидлар даражаси ва цитокинлар дисбалансининг ўзаро боғлиқлиги" деб номланган учинчи бобида,

текширувлар шуни кўрсатдики, 1-гурух бемрларда ПЗЛП ва ТГ миқдори $4,5 \pm 0,83$ ва $3,11 \pm 0,92$ ммоль/л ни, 2-гурух беморларида эса $4,32 \pm 0,62$ ва $2,87 \pm 0,81$ ммоль/л ни, ($p < 0,001^*$), назорат гуруҳида $2,96 \pm 0,83$ ва $2,21 \pm 0,74$ ммоль/л ни ташкил этди ($p < 0,001^*$). (4-расм).



3-расм. Липидлар спектри кўрсаткичлари

Яллиғланиш цитокини IL-1 β ёши катта беморларда ёш беморларга нисбатан баландлиги аниқланди ва у $78,6 \pm 9,5$ ҳамда $68,9 \pm 8,5$ пг/мл ни ташкил этди ($p < 0,01^*$). Яллиғланишга қарши цитокин IL-10 иккала гуруҳда ҳам паст кўрсаткичларда бўлиб 1-гурухда $12,9 \pm 1,6$ пг/мл ни, 2-гурухда $11,4 \pm 1,4$ пг/мл ни ташкил этди ($p < 0,0001^*$), (4-расм).




4-расм. Ностабил стенокардия булган беморларда цитокинлар статуси .

ПЗЛП ва цитокинлар кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги ўрганилганда, 4,0 ммоль/л дан юқори бўлган ПЗЛП ли беморларда статистик жиҳатдан яллиғланиш цитокини IL-1 β нинг миқдори жуда баланд ва яллиғланишга қарши IL-10 цитокинининг кўрсаткичи жуда пастлиги аниқланди ва 1-гурухда $70,13 \pm 8,35$ пг/мл ва $12,6 \pm 1,56$ пг/мл ни, 2-гурухда $82,7 \pm 9,15$ пг/мл; $11,3 \pm 1,1$ пг/мл ни ташкил этади (2-жадвал).

Ностабил стенокардия билан беморларда интерлейкин IL-1 β ва IL-10 нинг
ПЗЛП миқдори билан боғлиқлиги


Кўрсаткичлар	1-гурух		p-value	2-гурух		p-value
	ПЗЛП 4,0 ммоль/л дан юқори (n=95)	ПЗЛП 4,0 ммоль/л дан паст (n=31)		ПЗЛП 4,0 ммоль/л дан юқори (n=79)	ПЗЛП 4,0 ммоль/л дан паст (n=25)	
IL-1 β	70,13 \pm 8,35	65,19 \pm 8,15	<0,002*	82,7 \pm 13,3	73,3 \pm 9,8	<0,006*
IL-10	12,6 \pm 1,56	13,6 \pm 1,58	<0,001*	11,3 \pm 1,34	11,8 \pm 1,1	<0,042*

1-гурух беморларида IL-1 β билан умумий холестерин ўртасида ўртача корреляцион боғлиқлик мавжуд ($R^2=0,35$), (5-расм).




5-расм. 1-гурух беморларида IL-1 β билан умумий холестерин ўртасида корреляцион боғлиқликни баҳолаш.

1-гурух беморларида IL-10 билан умумий холестерин ўртасида ўртача корреляцион боғлиқлик мавжуд ($R^2=0,37$). (6-расм)



6-расм. 1-гурух беморларида IL-10 билан умумий холестерин ўртасида корреляцион боғлиқликни баҳолаш.

IL-1 β ва IL-10 ўртасида корреляцион боғлиқлик сезиларли ($P=0,65$), (7-расм).



7-расм. IL-1 β ва IL-10 ўртасида корреляцион боғлиқликни баҳолаш.

Шундай қилиб, беморларда цитокин ҳолатини баҳолаш натижасида барча беморларда яллиғланиш цитокинлари миқдори яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорига қараганда юқорилиги аниқланди ва бу ҳолат яллиғланиш жараёнининг фаол кечишидан далолат беради.

Тўртинчи бўлим «Ностабил стенокардияли ёш беморларда цитокинлар ва липид ҳолатига боғлиқ ҳолда IL-1 β гени 3953 C/T (rs1143634) локуси полиморфизми»да ёш эркекларда НС ни IL-1 β генининг- 3953 T/C (rs1143634) позициясида цитокинлар дисбаланси ва дислипидемия аҳамияти баҳоланган. Шу муносабат билан биз 130 нафар НС си бўлган беморлар ва 45 нафар ўзбек миллатига мансуб донорларда IL-1 β гени C/T аллели учраш частотасини 3953 C/T позицияда ўргандик.

Беморлар орасида соғлом инсонларга нисбатан T аллель 24% ҳолатларда кўпроқ учради, соғлом инсонларда эса аксинча, аллель A 24% га кўпроқ учради ($\chi^2=14,13$; $p<0,001$), (3-жадвал).

3-жадвал

Ностабил стенокардияли ёш эркеклар ва соғлом индивидларда IL-1 β генининг 3953 C/T (rs1143634) ҳолатида аллеллар учраш частотасини тақсимлаш

Полиморфи зм	Аллел лар	Частота (%)		χ^2	P	OR (95% CI)	RR (95% CI)
		НС билан ёш беморлар (n=70)	Назорат гуруҳи (n=45)				
IL-1 β 3953 C/T rs1143634	C	80 (57,1%)	73 (81,1%)	14,13	0,0001	3,2206 (1,7238-6,017)	1,4903 (1,2293-1,8066)
	T	60 (42,9%)	17 (18,9%)				

IL-1 β 3953 T/C (rs1143634) гени C ва T аллелларни юқори ва мақсадли даражадаги ПЗЛП бўлган беморларга тақсимлаб ўрганилганда, юқори миқдорда ПЗЛП тутган беморларда T аллели 43,2% ни ташкил этиб ($\chi^2=13,74$; $p=0,00021$), мақсадли ПЗЛП тутадиган беморларда у 40,9% ҳолатларда аниқланди ($\chi^2=4,81$; $p=0,028$), (4-жадвал).

Ностабил стенокардияли ёш эркалар ва соғлом индивидларда IL-1 β генининг 3953 C/T (rs1143634) ҳолатида ПЗЛП миқдори нисбатан аллеллар учраш частотасини тақсимлаш

Генотип	Частота (%)		χ^2	P	OR	Паст чегара, 95% СИ	Юқори чегара, 95% СИ
	Юқори миқдордаги ПЗЛП мавжуд беморлар ($\geq 4,0$ ммоль/л) (n=59)	Назорат гуруҳи (n=45)					
С	67 (56,8%)	73 (81,1%)	13,74	0,0002	0,3059	0,1611	0,581
Т	51 (43,2%)	17 (18,9%)					
Генотип	Частота (%)		χ^2	P	OR	Паст чегара, 95% СИ	Юқори чегара, 95% СИ
	Нормал миқдордаги ПЗЛП мавжуд беморлар ($\geq 4,0$ ммоль/л) (n=11)	Назорат гуруҳи (n=45)					
С	13 (59,1%)	73 (81,1%)	4,81	0,028	0,3364	0,1237	0,9148
Т	9 (40,9%)	17 (18,9%)					

Тадқиқотлар натижасида IL-1 β 3953 T/C (rs1143634) гени турли аллелларига нисбатан цитокинлар миқдори ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Гетерозиготали С/Т ва гомозиготали ТТ генотипга эга бўлган беморларда гомозиготали С/С генотипга эга бўлган беморларга нисбатан яллиғланиш цитокини IL-1 β миқдори 6,6 ва 13 пг/мл га нисбатан юқорилиги аниқланди ($p_1 < 0,001^*$, $p_2 < 0,001^*$). Гетерозиготали С/Т ва гомозиготали ТТ генотипга эга бўлган беморларда гомозиготали С/С генотипга эга бўлган беморларга нисбатан яллиғланишга қарши цитокини IL-10 миқдори 1,5 ва 1,9 пг/мл га нисбатан пастлиги аниқланди ($p_1 < 0,001^*$, $p_2 < 0,001^*$), (5-жадвал).

Ностабил стенокардияли ёш эркалар ва соғлом индивидларда IL-1 β генининг 3953 C/T (rs1143634) локуси нисбатан айрим цитокинлар концентрацияси

Цитокинлар концентрацияси кўрсаткичлари	IL-1 β T/C 3953 генотип			P-value
	C/C	C/T	T/T	
	1	2	3	
IL-1 β пг/мл	63,4 \pm 5,86	70 \pm 6,2	76,4 \pm 7,2	1 vs 2: <0,0001*; 1 vs 3: <0,0001*
IL-10 пг/мл	13,7 \pm 1,6	12,2 \pm 1,39	11,8 \pm 1,29	1 vs 2: <0,0005*; 1 vs 3: <0,0001*

Бешинчи бўлим «Ностабил стенокардияли ёш беморларда цитокинлар ва липид ҳолатига боғлиқ ҳолда IL-10 гени 1082 G/A (rs1800896) локуси полиморфизми» да ёш эркаларда НС ни IL-10 генининг-1082 G/A (rs1800896) позициясида G/A генотиплари ва аллеллари учраш частотаси ўзбек популяциясида ёмон оқибатларни эрта аниқлаш мақсадида ўтказилган.

IL-10 гени 1082 G/A (rs1800896) локуси полиморфизмида G/A аллели

учраш частотаси ўрганилганда, шу нарса маълум бўлдики, беморлар орасида соғлом инсонларга нисбатан T аллель 25,5% ҳолатларда кўпроқ учради, соғлом инсонларда эса аксинча, аллель A 25,5% га кўпроқ учради ($\chi^2=14,25$; $p=0,0001$) (6-жадвал).

6-жадвал

Ностабил стенокардияли ёш эркеклар ва соғлом индивидларда IL-10 генининг 1082 G/A (rs1800896) ҳолатида аллеллар учраш частотасини тақсимлаш

Полиморфизм	Аллеллар	Частота (%)		χ^2	P	OR (95% CI)	RR (95% CI)
		НС ли ёш беморлар (n=70)	Назорат гуруҳи (n=45)				
IL-10 1082 G/A rs1800896	G	87 (62,1%)	33 (36,6%)	14,25	0,0001	0,3527(0,2039-0,6102)	0,5307 (0,77-0,747)
	A	53 (37,8%)	57 (63,3%)				

IL-1 β 3953 T/C (rs1143634) гени C ва T аллелларни юқори ва мақсадли даражадаги ПЗЛП бўлган беморларга тақсимлаб ўрганилганда, юқори миқдорда ПЗЛП тутган беморларда T аллели 61% ни ташкил этиб ($\chi^2=12,11$; $p=0,0005$), мақсадли ПЗЛП тутадиган беморларда у 68,2% ҳолатларда аниқланди ($\chi^2=7,17$; $p=0,007$), (7-жадвал).

7-жадвал

Ностабил стенокардияли ёш эркеклар ва соғлом индивидларда IL-10 генининг 1082 C/T (rs1800896) ҳолатида ПЗЛП миқдорига нисбатан аллеллар учраш частотасини тақсимлаш

Генотип	Частота (%)		χ^2	P	OR	Паст чегара, 95% СИ	Юқори чегара, 95% СИ
	Юқори миқдордаги ПЗЛП мавжуд беморлар ($\geq 4,0$ ммоль/л) (n=59)	Назорат гуруҳи (n=45)					
G	72 (61%)	33 (36,7%)	12,11	0,0005	0,5679	0,4077	0,7912
A	46 (39%)	57 (63,3%)					
Генотип	Частота (%)		χ^2	P	OR	Паст чегара, 95% СИ	Юқори чегара, 95% СИ
	Нормал миқдордаги ПЗЛП мавжуд беморлар ($\geq 4,0$ ммоль/л) (n=11)	Контроль (n=15)					
G	11 (50%)	31 (34,4%)	7,17	0,007	0,7719	0,6262	0,9515
A	11 (50%)	59 (65,6%)					

Тадқиқотлар натижасида IL-10 G/A 1082 (rs1800896) гени турли аллелларига нисбатан цитокинлар миқдори ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Гетерозиготали G/A ва гомозиготали G/G генотипга эга бўлган беморларда гомозиготали A/A генотипга эга бўлган беморларга нисбатан яллиғланиш цитокини IL-1 β миқдори 4,55 ва 13,25 пг/мл га нисбатан юқорилиги аниқланди ($p_1 < 0,001^*$, $p_2 < 0,001^*$). Гетерозиготали G/A ва гомозиготали G/G генотипга эга бўлган беморларда гомозиготали A/A генотипга эга бўлган беморларга

нисбатан яллиғланишга қарши цитокини IL-10 миқдори 0,62 ва 2,6 пг/мл га нисбатан пастлиги аниқланди ($p_1 < 0,001^*$, $p_2 < 0,001^*$), (8-жадвал).

8-жадвал

Ностабил стенокардияли ёш эркаклар ва соғлом индивидларда IL-10 генининг -1082 G>A (rs1800896) локусига нисбатан айрим цитокинлар концентрацияси

Цитокинлар концентрацияси кўрсаткичлари	Генотип IL-1 T/C 3953			P-value
	G/G	G/A	A/A	
	1	2	3	
IL -1 β пг/мл	75,04 \pm 7,25	66,34 \pm 6,35	61,79 \pm 3,86	1 vs 2: <0,001*; 1 vs 3: <0,001*
IL -10 пг/мл	11,38 \pm 1,15	13,36 \pm 1,56	13,98 \pm 0,79	1 vs 2: <0,001*; 1 vs 3: <0,001*

Тўртинчи бўлим «Ностабил стенокардияси бўлган беморларда левокарнитин+L-аргинин гидрохлориднинг IL-1 β 3953 C/T (rs1143634) ва IL-10 1082 G/A (rs1800896) генларига боғлиқ ҳолда фармакотерапиясини аниқлаш» иккита бўлимдан иборат.

“Ностабил стенокардияси бор ёш беморларда IL-1 β 3953 C/T (rs1143634) генга боғлиқ ҳолда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдориغا боғлиқ ҳолда даволаш эффективлигини баҳолаш” бобида биз левокарнитин+L-аргинин гидрохлоридни кун давомида 100 мл/сут давомида кейинчалик левокарнитинни 500 мг/сут таблеткаси ва тивортин сиропини 5 мл дан 3 марта/сут га 1 ой давомида буюрилганда НС си бўлган беморларда IL-1 β 3953 C/T генининг турли аллель вариантларида фармакологик эффектини ўргандик.

IL-1 β 3953 генининг гомозиготали T/T генотипга эга бўлган беморларда гомозиготали C/C генотипга эга бўлган беморларга ПЗЛП статистик жиҳатдан паст кўрсаткичларига эга эдилар. Даволашдан кейин C/C, C/T ва T/T генотипдаги беморларда ПЗЛП миқдори нормагача пасаймади, аммо C/C генотипли беморларда ПЗЛП миқдори 0,94 \pm 0,72 ммоль/л гача, C/T ва T/T генотипдаги беморларда эса 0,77 \pm 0,73 ва 0,89 \pm 0,71 ммоль/л гача пасайди (9-жадвал).

9-жадвал

IL-1 β гени 3953 C/T (rs1143634) позициясида ПЗЛП миқдорининг левокарнитин+L-аргинина гидрохлорид билан даволашдан олдинги ва кейинги фарқи

Ген	Генотип	Даволашдан олдинги ПЗЛП нинг миқдори (ммоль/л)	Даволашдан кейинги ПЗЛП нинг миқдори (ммоль/л)	ПЗЛП миқдоридаги фарқ (ммоль/л)
IL-1 β 3953 C/T	1-C/C, n=27	4,44 \pm 0,72	3,5 \pm 0,71	0,94 \pm 0,72
	2-C/T, n=26	4,54 \pm 0,66	3,66 \pm 0,76	0,89 \pm 0,71
	3-T/T, n=17	4,83 \pm 0,8	4,06 \pm 0,5	0,77 \pm 0,73
	P-value	1vs2: >0,05 1vs3: <0,001*	1 vs 2: >0,05 1 vs 3: <0,001*	1 vs 2: <0,05* 1 vs 3: <0,001*

Яллиғланишга қарши цитокин IL-10 гомозиготали C/C ва гетерозиготали C/T генотипларида 7,66 \pm 0,7 и 6,87 \pm 0,5 пг/мл, гача кўтарилди, гомозиготали

T/T генотипда унинг миқдори $6,23 \pm 0,7$ пг/мл га кўтарилди ва бу ўз навбатида гомозиготали T/T генотип гомозиготали C/C ҳамда гетерозиготали C/T генотипларга нисбатан даволашда паст натижага эришишидан далолат беради.

“Ностабил стенокардияси бор ёш беморларда IL-10 1082 G/A (rs1800896) генга боғлиқ ҳолда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдorigа боғлиқ ҳолда даволаш эффективлигини баҳолаш” бобида биз HC си бор ёш беморларда левокарнитин+L-аргинин гидрохлорид билан даволашдан олдин ва кейин липопротеидлар ва цитокинлар кўрсаткичларини ўзгаришини ўргандик. IL-10 1082 G/A генининг гомозиготали G/G генотипга эга бўлган беморларида гомозиготали A/A генотипга эга бўлган беморларига нисбатан ПЗЛП нинг миқдори статистик жиҳатдан паст кўрсаткичларига эга эдилар. Даволашдан кейин G/G, G/A ва A/A генотипдаги беморлада ПЗЛП миқдори нормагача камаймади, аммо A/A генотипли беморларда ПЗЛП миқдори $1,02 \pm 0,34$ ммоль/л га, G/A ва G/G генотипдаги беморларда эса $0,68 \pm 0,74$ и $0,88 \pm 0,79$ ммоль/л гача пасайди (10-жадвал).

10-жадвал

IL-10 гени 1082 C/T (rs1800896) позициясида ПЗЛП миқдорининг левокарнитин+L-аргинин гидрохлорид билан даволашдан олдинги ва кейинги фарқи

Ген	Генотип	Даволашдан олдинги ПЗЛП нинг миқдори (ммоль/л)	Даволашдан кейинги ПЗЛП нинг миқдори (ммоль/л)	ПЗЛП миқдoridaги фарқ (ммоль/л)
IL-10 гени 1082 C/T (rs1800896)	G/G, n=27	$4,42 \pm 0,69$	$3,74 \pm 0,8$	$0,68 \pm 0,74$
	G/A, n=40	$4,53 \pm 1,79$	$3,65 \pm 0,8$	$0,88 \pm 0,79$
